

Зеҳн қўйсанг  
билимга,  
Илм томар  
дилигга.



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Ўзбек халқ мақоли

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 4-fevral, shanba № 10 (8451)

## УЛКАН ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида нашр этилган "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди. Мазкур китобни халқимиз, аynиқса, ёшлар катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганмоқда.

Пойтахтимизда "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг ёшларда жасорат, фидойилик ва ижтимоий масъулият фазилатларини тарбиялашдаги аҳамиятига бағишлаб ташкил этилган анжуманда бу алоҳида таъкидланди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жа-

мизга қандай асосда, қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини теран англашда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби ишончли манба ва амалий қўлланмадир.

Шу боис мазкур китобнинг ёшлар ўртасида чуқур ўрганилиши бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз қадрини англаб етиш ҳамда мустақиллигимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Китобдаги ҳар бир ҳуж-

### Prezident asarini o'rganamiz

моат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев, Тошкент давлат педагогика университети ректори У.Иноятов ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган эркин ва фаровон ҳаёт, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги туб ислохотлар бугун юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Халқимиз қўлга киритаётган бундай улкан ютуқларга, бугунги озод, тинч ва осойишта кунларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда босиб ўтган гоят мураккаб, аynи вақтда шарафли тараққиёт йўли, бу йўлда қўлга киритилган, бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинаётган ютуқ ва марралари-

жат, нутқ ва маъруза катта тарихий аҳамиятга эга. Уларни қайта-қайта ўқиган сари истиқлол халқимизга берилган оддий тўхфа эмас, балки катта қийинчилик билан, давлатимиз раҳбарининг улкан жасорати, халқимизнинг сабр-қаноати туфайли эришилган тарихий ютуқ эканини идрок этади киши. Мазкур асар мазмун-моҳиятини ёшларга чуқурроқ ўргатиш уларни бугунги куннинг қадрига етишга, мустақиллиқни мустаҳкамлаш учун ҳисса қўшишга ундайди.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг китобида ахс эттирилган ҳужжатлар моҳияти ва аҳамияти, тарихан қисқа даврда Ўзбекистон эришган муваффақиятлар, халқимиз ҳаётидаги янгилик ва ўзгаришлар, босиб ўтилган гоят мураккаб мустақил тараққиёт йўлида қандай синов ва машаққатлар енгиб ўтилганлиги ҳақида талаба-ёшларга батафсил маълумотлар берилди.

Н.АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири



## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ, ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ

талабалар билими юксалишига олиб келади

Ахборот-ресурс марказини ҳам дарсхона, аудитория, десак, янглишмаймиз. Фақат унда талаба мустақил шуғулланади, билимини мустаҳкамлайди, нафақат соҳага тааллуқли ўқув адабиётларини мутолаа қилади, балки даврий нашрлар билан ҳам танишиб чиқади, бадний адабиётлар билан ошно тутинади.

Бугунги кунга келиб, олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг ахборот-коммуникация технологиялари билан тўла таъминлангани натижасида талабаларнинг ахборот-ресурс марказидаги имкониятлари доираси янада кенгайди. Энди улар глобал тармоққа уланиб зарур адабиётларни, «ZiyoNET» ахборот таълим портали орқали дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмаларнинг тавсифла-

ри ҳамда тўлиқ матнини кўчириб олиши мумкин.

Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг ахборот-ресурс маркази ҳам шундай қулайлик ва шароитларни ўзида мужассамлаштирган. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 мартдаги «Тошкент ирригация ва мелиорация институти ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда шу йили қабул қилинган «Республика қишлоқ ва сув ҳўжалиги

учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга хизмат қилувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадлари қўйилган эди. Бундай кадрларнинг шаклланишида эса замонавий талабаларни ҳисобга олган ҳолда ёшларнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларини сақлаб қолишга, пухта билим беришга йўналтирилган ахборот-ресурс маркази фаолиятининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚДАГАНДА:

МАКТАБ —  
ИНСТИТУТ  
ҲАМКОРЛИГИ

таълим сифати  
самарадорлигига  
хизмат қилади

5-бет

45 ДАҚИҚАНИНГ  
ҚАДРИ

умумтаълим  
мактабларида ўқувчи  
ўзлаштирган билим,  
кўникма ва малака  
билан ўлчанади

6-бет

БОЛАНГИЗ  
ИНТЕРНЕТДАН  
ТЎҒРИ ФОЙДА-  
ЛАНЯПТИМИ?

8—9-бетлар

Bolalar sporti  
ҒОЛИБЛАР  
СОНИ ОРТАДИ

15-бет



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорида олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказини замонавий дарсликлар, ўқув-методик мажмуалар, кўргазмали қуроллар ҳамда маълумот-ахборий нашрлар ва бошқа ўқув-илмий адабиётлар билан таъминлашга алоҳида урғу берилган. Олий таълим муассасалари учун фан ва технология соҳасидаги охириги ютуқларни ўзида мужассамлаштирган 400 турдаги дарсликлар ва 800та ўқув-методологик қўлланмаларни ишлаб чиқиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди.

— Бугунги кунга келиб ахборот-ресурс маркази зиммасига талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш, уларнинг интел-

ўқув қўлланмалар, дастурлар ва очик дарсларнинг жами 554 номда электрон русумдаги (CD-RM, DVD) компакт-дисклари фойдаланувчи китобхонларга ҳавола этилган. Ушбу электрон ресурслар базаси институт серверининг «кутубхона» папкасига ва АРМнинг локал тармоғига жойлаштирилиб борилаётир.

— 2011 йил давомиди ахборот-ресурс марказига институтнинг кафедралари томонидан жами 69 номда электрон русумдаги адабиётлар қабул қилиб олинди. — дейди АРМ директори ўринбосари Барно Тошқўзиёва. — Ўтган йили жами 675 фойдаланувчи китобхонларга 2845та электрон русумдаги адабиётлар билан хизмат кўрсатилди. Китобхонларга аънавий хизмат бўйича ҳам кўрсаткичларимиз анча юқори. Умумий ҳисобда 5367 фойдаланувчига, шу жумладан, 4910 бакалаврият ва магистратура талабаларига кутубхона хизмати кўрсатилган. Бугунги кунда ахборот-ресурс марказида китобхонларга электрон ресурсларни турли хилдаги ахборот ташиш

оск, шу билан бирга, замонавий мебеллар билан жиҳозланган.

— Ахборот-ресурс марказига киришдаги биринчи бўлим — босма адабиётлар ва электрон ахборот-ресурслари бўлими, яъни абонементда бта электрон киоск ўрнатилган, — дейди Б.Тошқўзиёва. — Айни кунда электрон киоскларни дастурлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу қурилмада фойдаланувчи китобхонларга ахборот-ресурс марказининг тарихи, тузилиши, фойдаланиш қоидалари, электрон ресурслар тўғрисида ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумот берилади. Энг асосийси, электрон киоск «электрон каталог» вазифасини ўтайди, яъни фойдаланувчи китобхоннинг ўзига керакли адабиётларнинг тавсифини қидириб топиши учун автоматлаштирилган иш жойи ҳисобланади. Марказимизнинг компьютер синфи, сервер хонаси ҳамда видеоконференция залида ҳам керакли мультимедиа воситалари ўрнатилган. Айтиш мумкинки, янги ахборот технологияларининг жорий этилиши ахборот-ресурс

ҳолатларини таҳлил қилиш, гидротехника иншоотларини қайта тиклаш ишлари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Бундай зарур адабиётлар тўғрисида яна қўплаб мисоллар келтирса бўлади.

Ахборот-ресурс марказида интернет тармоғи ёрдамида электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Qaror va ijro

Шинам ва қулай талабалар ўқув залини қузатар эканмиз, у ернинг гажумлиги киши эътиборини тортди. Талабалар дарсдан сўнг мутолаа соатларини шу ерда ўтказишди. Талабалар турар жойи қошида мазкур ўқув залининг филиали ҳам ташкил этилган бўлиб, у ердаги шароит ҳам эътирофга лойиқдир.

— Бугун биз ёшларга бе-



# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ, ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ

## талабалар билими юксалишига олиб келади

лектуал, маънавий-ахлоқий, маданий салоҳиятини ошириш бўйича эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш каби вазифалар юклатилган, — дейди АРМ директори Ш.Қиличев. — Шу маънода, фойдаланувчилар учун «Ирбис» дастури асосида кутубхонанинг иш жараёнларини автоматлаштириш бўйича ишлар амалга оширилди. Ахборот-ресурс марказининг

қурилмаларига кўчириб бериш ҳамда шу ерда фойдаланиш учун барча имкониятлар мавжуд. Ўқув кутубхонаси фонди керакли адабиётлар, яъни дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матнлари, услубий қўлланма ва бошқалар билан тўлдирilib борилаётир. Ахбо-

маркази фаолиятида туб бури-лиш ясади.

Маълумки, китобларнинг электрон шакллари оммалашшига қарамай, аънавий китобларни, аънавий каталогдан фойдаланишни маълум кўрувчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Эътиборлиси, ахборот-ресурс марказида ҳар икки турдаги фойдаланувчилар учун ҳам етарли шароитлар бор. Бу ерга келтирилган бир номдаги адабиётнинг камиди 5 нусхаси ва электрон шакли қабул қилиб олинади. Илмий адабиётлар бўлими етакчи кутубхоначиси Виктория Макова бўлимга келтирилган энг сўнгги адабиётлар билан таништирилган экан, фонд кундан-кунга бойиб бораётганини таъкидлади. Янги яратилаётган адабиётларга талабаларнинг ҳам эҳтиёжлари катталигини айтиб ўтди. Сўнгра у М.Бакиевнинг «Сув йўллари ва портлари», К.Латипов ва О.Орифжоновнинг «Гидравлика ва гидравлик машиналар», У.Нигматовнинг «Экономическая теория» ҳамда Т.Усмонов ва Н.Усмоновнинг «Қурилиш машиналари» каби китоблари билан таништирди. «Гидротехника иншоотлар ва насос станциялари» касбий йўналишида таҳсил олувчи талабалар Н.Қодированинг «Дарё гидроузелларидан фойдаланиш» номли дарслигидан кўпроқ фойдаланаётган экан. Мазкур дарсликда дарё гидроузелларидан фойдаланиш тўғрисидаги умумий маълумотлар, дарё гидроузеллари таркибидидаги иншоотлардан фойдаланиш, сув омборларидан фойдаланиш, қурилиш даврида дарё гидроузелларидан фойдаланишга тайёргарлик ишларини олиб бориш, гидротехника иншоотлари шикастланиши ва авария

Аслида компьютер техникаси билан таъминланганлик, интернетга уланган локал тармоқлар яратилишининг ўзи электрон кутубхона шаклланишини аниқламайди. Бунинг учун ахборот ресурсларини йўлга каталогларда жамловчи маълумотлар базаси яратилиши ва адабиётларнинг рақамлаштирилган шакли жойлаштирилиши зарур бўлади. Бунда, аввало, ахборот-ресурс маркази ходимларининг ахборот технологиялари ва воситаларидан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Корпоратив ахборот-ресурс марказининг автоматлаштирилган тизими — «КАРМАТ» асосида электрон кутубхона яратиш бўйича Тошкент ахборот технологиялари университетида ташкил этилган 2 кунлик малака ошириш курсида Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг ахборот-ресурс маркази ахборот технологиялари бўйича мутахассиси Латофат Ҳакимова малака ошириб келди, шунинг барибара «КАРМАТ» дастурини ўзлаштириб, ахборот-ресурс маркази фаолиятига татбиқ этиди. Ахборот технологиялари бўлими томонидан «КАРМАТ» тизими асосида яратилаётган Республика «Йўлга электрон каталогини» учун «ZiyoNET» ахборот таълим порталига 100тадан зиёд номдаги институт профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмаларнинг тавсифлари ҳамда тўлиқ матнли қўринишлари киритилган. Айни пайтда эса даврий нашрлар электрон каталогини шакллантириш ва технологиясини ўзлаштириш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

риган имкониятлар юқори даражада. Ахборот-ресурс марказимизда яратилган шароитлар бир қўриниш холос, — дейди Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети 3-босқич талабаси Жасур Лапасов. — Мана шу эътиборни оқлаш, имкониятлардан тўла фойдаланиш мақсадида «Ер тузилиши ва ер кадастри» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқдаман. Илмий ишим учун керакли адабиётларни топиш муаммо эмас. Институтимизнинг ахборот-ресурс марказида соҳамизга тааллуқли барча китоблар мавжуд. Илмий журналларнинг барча сонларини топиш ва улардан фойдаланишимиз мумкин. Дарсдан кейинги асосий вақтим шу ерда ўтишини ҳисобга олсам, Беруний номидаги давлат стипендиеси соҳиб бўлишимда дарсларда сабоқ берган устоз-мураббийларим билан бир қаторда ҳушмуомала ахборот-ресурс маркази ходимлари ва кутубхонанинг хизмати беқиёс бўлди.

Юртбошимизнинг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ижроси мобайнида ахборот-ресурс марказининг фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлмоқда. Бу эса ёшларни илмий ижода йўналтириб ўз устиди ишлашга, дарсларда олган билимларини янада мустаҳкамлаб, етук мутахассис, ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган кадр бўлиб етиштиришларига кўмак бермоқда.

Санобар ЖУМАНОВА,  
«Ma'rifat» муҳбири



«Ахборот технология» бўлими томонидан «Электрон каталог» маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида бугунга қадар 15.705 номда дарсликлар, ўқув қўлланмалар, бадиий ва бошқа адабиётларнинг электрон қўринишдаги тавсифлари киритилди.

Каталогизатор автоматлаштирилган иш жойида 2765 номда бадиий адабиётларнинг 283 номда институтда ҳимоя қилинган диссертацияларнинг тавсифларини ўз ичига олган маълумотлар базаси яратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, институт профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган барча фан соҳалари бўйича дарсликлар,

рот-ресурс марказининг профессор-ўқитувчилар зали, талабалар зали, маркетинг ва ахборот-ресурс хизматларини кўрсатиш бўлиmlарининг фонди инвентаризациядан ўтказилиб, бўлимлар янги адабиётлар билан тўлдирilib боришмоқда. Бу каби сатъ-ҳаракатларнинг бари китобхонларга қулайликлар яратиш, уларнинг пухта билим олишларига кўмаклашиш учундир.

Институт ахборот-ресурс маркази 90та янги авлод компьютерлари, 90та USP, 12та принтер, 3та сөөрок, 4та сканер, 1та сервер, сервер учун USP, 22та кузатиш камералари, 2та проектор, 3та экран, 4та ноутбук, бта электрон ки-



Мамлакатимизда истиқлол шарофати билан барча жабҳаларда, шу жумладан, таълим, фан-техника соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, юртимиз илм-фани ва маданияти, замонавий таълим тизимини ривожлантириш, ўз навбатида, улардан оқилна фойдаланиш механизми ишлаб чиқилгани ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётганлиги бунинг ёрқин исботидир. Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бу борада тараққиётимиз учун стратегик аҳамиятга эга ҳужжатлардан бири саналади. Мана шу муҳим ҳужжатда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, «Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар» дастури ишлаб чиқилгани ва амалиётга жорий этилаётгани ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланишига қаратилгани билан диққатга сазовордир.

Дастур мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти томонидан Шуманай тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли ўқув муассасалари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган махсус иш режалари ишлаб чиқилди. Умумтаълим мактабларида ўқув-услубий, ташкилий-услубий тадбирларни ўтказиш учун институт таркибидаги 22та кафедрадан фидойи, жонқур ва етук мутахассислар жалб қилинди.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда институт олимлари томонидан жойларда кўрсатилаётган методик ёрдам бу борада белгиланган вазифалар самарали амалга оширилаётганини кўрсатиши баробарида бу каби тадбирларнинг афзаллигини тобора кенг ёйиш лозимлигини тасдиқламоқда. Чунончи, институтимиз профессор-ўқитувчиларининг методик ва амалий ёрдами туфайли туман халқ таълими тизими фаолиятини ривожлантириш, модернизация қилиш, муассаса захира кадрлар таркиби малакасини мунтазам оширишда иштирок этиш дастурлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, биология фанлари номзодлари Абдурахмон Сапаров ва Шомурод Алламуродов, кимё фанлари номзоди Фарид Утенова ҳамда география фанлари номзоди Роза Гаипова бошчилигида ташкил этилган махсус гуруҳ мутахассислари туман мактабларида ўқувчиларнинг қизиқиши, иқтидори ва салоҳиятини бойитишга йўналтирилган мазмунли лаборатория, амалий дала машғулотларини ташкил этиди.

Албатта, тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан ташкил этилаётган бу каби дарслар бесамар кетмаслиги аниқ. Машғулот жараёнларини синчковлик билан кузатган ҳар бир мактаб ўқитувчиси илгор тажрибаларни дарров илгав олишга, ўқувчилар фаоллиги ва дарс самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган инновация ва янги педагогик технологияларни

рибаларни дарров илгав олишга, ўқувчилар фаоллиги ва дарс самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган инновация ва янги педагогик технологияларни

лари бўйича ўқишни давом эттириш, аниқ фан билан боғлиқ касб ва йўналишлар ҳақида муайян маълумотга эга бўлади.

Айни кунда муаллимлар олдига назария ва амалиётни уйғунлаштириб олиб бориш долзарб вазифа сифатида қўйилаётир. Шу маънода институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан туман марказида жойлашган 2-умумтаълим мактабида уюштирилган «Физика, кимё, биология фанларини ўқитишда ўқув-лаборатория жиҳозларидан самарали фойдаланишни янада такомиллаштириш» мавзусидаги ҳудудий амалий ўқув-семинари ушбу фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар учун чинакам маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Шу ўринда семинар қатнашчиларининг таълим жараёнини такомиллаштиришга оид таклиф ва мулоҳазалари ҳам диққатга лойиқдир. Чунончи, шу тумандаги 14-мактабнинг кўп

тизимга татбиқ қилинаётган ҳар қандай янгиликлар таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши даркор.

Шу маънода ўтган давр мобайнида туман умумтаълим мактабларидаги педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, институтимизнинг инглиз тили, рус тили ва адабиёти, ўзбек тили, математика, физика, миллий ғоя, тарих, педагогика ва психология, бошланғич таълим ва бошқа йўналишлари бўйича юқори малакали битирувчиларини мазкур мактабларга ишга жалб этиш бўйича амалий ишлар олиб борилди.

Бундан ташқари, туман мактабларини ўрганиш жараёнида мутахассисларимиз туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими диагностика ва психология марказлари фаолияти билан ҳам яқиндан танишиб, аниқланган муаммолар ечими юзасидан

## Dolzarb mavzu

«Халқ таълими тизимида психологик хизмат самарадорлигини ошириш омили» мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий семинари шулардан биридир. «Педагогика ва психология» кафедраси профессор-ўқитувчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ходимлари, барча туманларнинг мактаб амалиётчи психологлари, институтда таълим олаётган психология мутахассислиги магистрантлари иштирокидаги мазкур семинардан келиб чиқадиган хулосалар илмий-услубий янгилиги жиҳатидан мактаб ўқитувчилари учун ҳам, талабалар учун ҳам бирдек муҳим аҳамият касб этди. Чунончи, «Таълим тизимида психологик хизмат мақсади ва вазифалари», «Мактабда психологик хизматнинг роли», «Психологик тренингларни ўтказиш методикаси», «Психологик консултацияда расмий шахс тестлари», «Жамиятда соғлом психологик муҳитни яратиш», «Бошланғич синф ўқувчиларининг билиш жараёнларини ривожлантирувчи машқур» каби маърузалардаги кўрсатма ва тавсиялардан ўқув-тарбия жараёнида тизимли ва изчил фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган ҳар қандай

# МАКТАБ – ИНСТИТУТ ҲАМКОРЛИГИ

таълим сифати самарадорлигига  
хизмат қилади

ўзлаштириб, амалиётга жорий этмоқдалар. Мисол учун, кимё фанлари номзоди Фарид Утенова томонидан 5-умумтаълим мактабидан кимё фанидан ташкил этилган очик дарс мобайнида чуқур таҳлиллар билан берилган маълумотлар ўқувчиларнинг назарий билимларини бойитиши баробарида, уларнинг ақлий салоҳияти, мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Ўқув-лабораторияларидан фойдаланиш, экспериментлар жараёнида техник хавфсизликни таъминлаш бўйича амалий дарслар, биология фани бўйича ўсимликлардан гербарийлар йиғиш ва сақлаш тартибларининг моҳияти билан боғлиқ ўқув-дала амалиётларида мактаб ўқитувчиларининг педагогика сир-асрорларини янада чуқур ўрганиши, илгор технологиялар бўйича йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олишлари мана шундай икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси, дейиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда бундай ҳамкорлик натижаси ўлароқ ёшларимиз аниқ фанлардан олган билимларини янада такомиллаштиришга муваффақ бўлиб, келажакда ўз қизиқиш ва иқтидорига мос келадиган таълим йўналиш-

ийлик тажрибага эга ўқитувчиси Гулистон Исметованин институт ва мактаб ҳамкорлигида мунтазам равишда илмий-услубий анжуманлар ўтказиб бориш, шунингдек, биргаликда чинакам замон ёшларини камолга етказишга хизмат қиладиган дарсликлар, методик қўлланмалар яратиш, инновацион ва педагогик технологияларни таълим жараёнига кенг жорий қилиш борасидаги фикр-мулоҳазалари ҳамкорлик йўналишларини янада кенгайтириш тизим тараққиёти омилига айланишини аниқлатмоқда.

Маълумки, ўқувчининг фанлар доирасидаги билимларни эгаллаши билан дарс мақсади тўлиқ адо этилмайди. Ўқувчининг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакасини амалда қўлай билиши, маънавий ва жисмоний етуклиги, ҳар қандай вазиятда тўғри хулоса чиқара олиши ва ҳоказолар таълим-тарбия мазмунини ташкил этади. Шу боис бугунги кунда олиб борилаётган ўзаро методик ҳамкорлигимизни фанларро ва дарсларро алоқдорлик, деб тор маънода тушунамаслик керак. Яъни, ўзаро тажриба алмашиш, методик кўрсатма бериш ва малака ошириш масаласида бирёқлама ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлмай,



тегишли методик ёрдам кўрсатдилар.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш бўйича институтимизда ҳар хил семинар ва учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Халқ таълими тизимида шахснинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш, уларнинг руҳий ва ақлий ривожланиши, соғлом психологик муҳитни яратишда психологик хизмат самарадорлигини янада оширишга қаратилган

езгу ишларимизнинг пировард натижаси таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган. Шундай экан, таълим-тарбия объекти ҳамда субъекти саналган ёшларнинг келажакига ишонч билан қараб, шиддат билан ривожланаётган жамиятимиз, халқимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизнинг ҳақиқий ворисларини тайёрлашда ҳар биримиз масъулиятни чуқур ҳис қилишимиз ва шунга мувофиқ ўз фаолиятимизни ташкил этишимиз даркор.

Маман САРИБАЕВ,  
Ажиниёз номидаги Нукус  
давлат педагогика  
институтини ўқув ишлари  
бўйича проректори

















## Dam olish sahifasi

## Умиднинг қудрати

«Килдеккина илинжинг борми, демак олдинга интилавер. Бир куни албатта орзуинг ушалади» деган гап бор. Мақсад сари борар экансиз, табиий равишда тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин. Бу йўлда сизни мағлуб қилувчи куч — ана шу кийинчиликлар қаршисида таслим бўлишингиздир. Куйидаги ҳикоят мағзини чақсангиз ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз.

## Hikoyat

Курбақалар тўдаси ўрмонда кезаркан, ора-ларидан икитаси беҳосдан ўрага тушиб кетибди. Ўра жуда чуқур бўлиб, курбақаларнинг сакраб ташқарига чиқиб кетишлари даргумон экан. Юқоридаги курбақалар эса бекорга уринмасликлари кераклигини бири кўйиб, бири такрорлай бошлабди:

— Ўра жуда чуқур, тақдирларингга тан беринглр, қутулишларингиз имконсиз...

Чуқурдаги курбақалар эса уларнинг гапи-га парво қилмасдан уринишда давом этаверишибди. Юқоридагилар эса бу ҳаракатлари самарасиз эканини айтишдан чарчашмас экан. Ниҳоят, юқоридагиларнинг гапи таъсир этибди шекилли, ўрадаги курбақалардан бири уринишни бас қилибди. Иккинчиси эса қайта-қайта сакраган кўйи ҳаракат қилишдан тўхтамабди. Ниҳоят унинг уринишлари беиз кетмай, сакрашларидан бирида ўрадан қутулиб чиқиб кетибди. Чунки, бу курбақа кар экан. Шу боис ҳам шерикларининг умидни уздирувчи сўзларини эшитмаган экан.

**Қиссадан ҳисса шулким, атрофдагиларнинг гап-сўзларига эмас, ўзига бўлган ишонч, умиднинг қудратига таяниш кишини муродига етказди.**

## Salomat bo'ling!

Саломатлик — туман бойлик, дейдилар. Ҳақиқатан ҳам, вужудингизнинг қайсидир аъзоси зирқираб турса, ҳеч бир шодлик татимайди. Ҳар қандайин молу дунёнинг заррача қиймати қолмайди. Айни пайтда саломатликни асраш инсоннинг ўзига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу ўринда илмий манбаларда келтирилган, мутахассислар куйидаги тўққиз қоидага амал қилишни тавсия этадилар:

## Тўққиз сирнинг тўққиз минг нафи

Ўз танангни ҳаётинг буюк намояндаси деб ардоқла.

Табиий, қайта ишланмаган неъматлар билан овқатланишга ҳаракат қил.



Имкон қадар табиий бўлмаган ва дардларни кўзгатувчи ичимликлардан воз кеч.

Ҳаётингни саломатлигингга хизмат қилиш учун сарфлашга одатлан.

Иш фаолиятинг ва хордиқ чикаришни тўғри йўлга қўйиш билан вужудингни соғломлаштир.

Вужудимиздаги ҳар бир ҳужайра, тинимсиз айланиб турган қон томирларимиз мусаффо ҳаво ва кўёш нури билан тозаланиб туради. Улар бу бебаҳо

неъматлардан бебаҳра бўлишига ҳеч қачон йўл қўйма.

Рух ва тана ўзини ёмон, тушкун ҳис этган пайтда энг ширин таомдан ҳам воз кеча ол! Чунки фикр, сўз, ҳиссиётлар тоза, осуда ва юксак бўлишига тўқлик ҳалақит бермоғи мумкин.

Ўз меҳнатингдан завқлана бил! Табиат қонунлари хусусидаги билимларингни тўлдира бор.

Табиат қонунларига бўйсунмиш, ўзни мослаштирмоқ керак. Соғлом бўлиш — бу инсоннинг ҳуқуқи. Уни асраб, мустаҳкамлаш эса бурчингдир!

## Келинг, бир қулишайлик

— Ҳўш, отахон, эшитиш мосламаси яхши иш-лаяптими? — сўрабди шифокор ҳузурга кирган бемордан.

— Жуда зўр, — жавоб берибди чол. — тақиб кўйганингиздан буён ҳўрозни сўйиб едим, кўшнининг итини ўлдирдим, кампирга жавоб бердим, васиятномани бошқатдан ёздим...

— Менинг квартирамни таъмирлаш учун неча

сўм оласиз? — деб сўрабди устадан хонадон эгаси.

— Икки юз доллар, — дея жавоб берибди у хотиржам.

— Борди-ю мен сизга ёрдам берсам-чи? — дея сўрабди уй соҳиби уста билан савдолашмоқчи бўлиб.

— Унда тўрт юз доллар, — дея жавоб берибди уста пинағини ҳам бузмай.

## Бир ҳовуч дур

Оила — ахлоқ маскани

Ян Амос Каменский

Бирор нарсани қаттиқ хоҳлаб қолшидан аввал шу истаган нарсангизга ҳозир эғалик қилаётган одамнинг бахтлими, йўқми эканини суриштириб кўрмоқ керак.

Ларошфуко

Меҳнат чинакам олижанобликнинг ягона унвонидир.

Р.Роллан

Илм инсонийлик тожидир. Инсонлар фақат у билан улуг'ланади.

Муҳаммад Камол

Билим — барча кулфатларнинг қалқонидир.

Абу Абдуллоҳ Рудакий

Тарбия — буюк иш: тарбия билан инсон қисмати ҳал этилади.

В.Г. Белинский

## Қизим, сенга айтаман

«Фалончи келиннинг кўли ширин, фалончи нима овқат қилмасин, маза киритолмайди...» қабилдаги гаплар қулониғизга чалиниб туради. Чиндан-да бир хил масаллик, сув, олов... Назаримизда, тайёрланган таомнинг хушхўр бўлишида, жумладан, биз куйида келтираётган каби жиҳатларга эътибор қаратиш ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Шўрва мазали бўлиши учун гўштини совуқ сувга солиш лозим. Бунда сув қайнаш давомида гўштининг ҳамма фойдали моддалари сувга олиш лозим. Бунда сув қайнаш ўтиб, шўрва қуюқ бўлади.



Гўштининг устига тўғралган пиёз қўйилса, пашша кўнмайди.

Жигарни қовуришдан олдин 2-3 соат сутга солиб қўйилса, жуда майин бўлиб пашшади. Гўшт, балиқ ва парран-

да гўштининг серсув бўлишини истасангиз, уларни албатта тузлаб қўйинг.

Қайнаётган гўштга бир қошиқ лимон шарбати қўшиб юборилса, жуда майин ва мазали бўлади.

Сабзавотларни салқин жойда сақланг, қуёш улардаги каротинни йўқотади.

Пўсти билан пишириладиган картошканинг сувига бир неча томчи сирка қўйилса, пўстлоғи ёрилиб кетмайди.

Лавлаги ўз рангини йўқотмаслиги учун сувга озгина сирка, лимон шарбати ёки кислотасидан қўйилади.


Тадқиқотлар натижаларига кўра, бугунги кунда фарбий овруपालик ҳар бир киши бутун умри давомида ўрта ҳисобда юз минг марта овқатланар экан. Агар унга кетадиган вақтни ҳисоблайдиган бўлсак, бу ўн беш йилга тенг. Шунингдек, улар умри давомида 40 тонна озик-овқат истеъмол қилар экан.

## G'aroyib olam

## Овқатланиш учун 15 йил...

Социологлар уларнинг нимани хуш кўришини ҳам ўрганиб чиқишган. Масалан, картошкани энг кўп истеъмол қиладиганлар ирландияликлардир. Бир ирланд бир йилда 141 килограмм картошка ейди. Бу ҳолнинг аксини Италияда кузатиш мумкин, яъни бу ерда шундай кўрсаткич 42 килони ташкил этади, холос. Бироқ ун маҳсулотларидан тайёрланган таомлар уларнинг жону дили (бир италянга бир йилда ўртача 117 килограмм тўғри келади). Аммо испанлар билан бельгияликлар ун маҳсулотларига «ёмон кўз» билан қарашади. Греклар эса сабзавотлар учун «жонини берадиган» халқ. Шунинг учун йилига 195 килограмм сабзавотни «кўрдим» демай пақос туширишади. Бу рақам да-нияликлар ва немисларнинг

сабзавот истеъмол қилишларига қараганда икки ярим баравар кўп демакдир. Лекин немисларни ҳам «айб-лаб» бўлмайди. Улар билан бельгияликлар ўртасида гўштининг қадри баланд. Яъни, бир киши бир йилда 100 килограмм гўшт ейди. Балиқхўрликда эса бутун Фарбий Оврупо бўйича португалияликларнинг олдида тушадигани йўқ (бир йилда аҳоли жон бошига 43 килоданга тўғри келади). Шундай бўлишига қарамай, уларнинг ҳам ўзига хос «камчилиги» бор. Сариеғни жинлари суймайди. Бир португалиялик бир йилда атиги бир кило сариеғ истеъмол қиладди. Ашаддий сариеғхўрлар французлардир. Улар португаллардан 9 марта кўп сариеғни сувдай «симиришади». Шунанга гаплар...







Sport – ўg'il-qizlarning komil inson бўлиб вояга етишида, ўзлигини англашида, уларда кучли ирода, ғалаба ва мақсад сари интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онига ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, фахр-ифтихор каби туйғуларни сингдиришда кучли воситадир. Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад ҳам ёшларимизни ана шундай эзгу фазилатлар асосида тарбиялаш, ҳар томонлама соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказишдир.

## ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ КАМОПОТ АСОСИ



Мазкур жамғарма томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган, замонавий шарт-шароитга эга муҳташам спорт мажмуалари, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, стадионлар, спорт заллари ва майдонлари бугун минг-минглаб ўг'il-qizлар учун севимли маканга айланган. Бу ерда улар ўзи танлаган спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш, тажриба ва маҳоратини ошириш имкониятига эга бўлмоқда.

Бунини пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган "Ниҳол" болалар спорт мажмуаси мисолида ҳам қўришимиз мумкин. 2005 йилда фойдаланишга топширилган мазкур мажмуа эртаю кеч ёшлар билан тўла. Мажмуада футбол, баскетбол, енгил

атлетика, ўзбек жанг санъати, таэквондо, эркин кураш каби спортнинг 11 тури бўйича ташкил этилган секцияларга 350 нафардан зиёд ўг'il-qiz мунтазам қатнашмоқда.

Давлатимиз раҳбари оммавий спорт инсон ҳаётида, оила мустақамлигида муҳим ўрин тутиши, жисмоний ва маънавий баркамолликка эришишда, ёшларнинг қобилият ва истеъдодини рўйбга чиқаришда катта аҳамият касб этишини доимо таъкидлаб келади, — дейди «Ниҳол» болалар спорт мажмуаси директори Абдурасул Раимку

лов. — Спорт ёшларнинг дунёқарашини шакллантиради. Бола спорт билан шуғулланса, унда, оиласига, атрофдагиларга меҳр-оқибат, аҳиллик ва масъулият туйғуси кучаяди. Айниқса, фарзандларимизнинг кичик ёшдан жисмоний тарбияси ва спортга дўст тutingани улар тарбияси учун гоят аҳамиятлидир. Шу боис фарзандини кўлидан етаклаб мажмуамизга келатган ота-оналар сафи тобора кенгаймоқда. Бу ерда ўг'il-qizлар ўзлари қизиққан спорт турларининг сир-асрорларини пухта ўрга

ниши учун барча шароит яратилган.

Спорт маканида ёзги футбол, баскетбол ва волейбол майдони, кишики спорт зал, тренажёр зали, ювиниш ва кийиниш хоналари болалар ихтиёрида. Мажмуа турли тренажёрлар, кураш тўшамалари, бокс қоплари, тўплар, гимнастика гилами ва предметлари сингари зарур спорт анжомлари билан таъминланган. Ёшларга тажрибали мураббийлар сабоқ бераётир.

**Суратларда «Ниҳол» болалар спорт мажмуаси фаолиятидан лавҳалар акс этган.**

**Муҳаммад АМИН (ЎЗА)**  
олган суратлар.



### Ma'rifat

#### TA'SIS ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими  
вазирлиги, Ўзбекистон Олий  
ва о'рта махсус та'лим  
вазирлиги, Ўзбекистон  
Та'лим, fan va  
madaniyat xodimlari  
kasaba uyushmasi  
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV,  
Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor  
DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV  
(bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),  
Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib),  
Mahmuda MURZAYEVA, Husan  
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),  
Nurlan USMONOV (bosh muharrir  
o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"),  
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib,  
"Учитель Узбекистана"), Sa'dulla  
NAKIMOV.

Gazeta  
Ўзбекистон Matbuot va axborot  
agentligida № 0067 raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEXS: 149, 150, Г-218.  
Tiraji 58127.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»-dan materiallarni ko'chirib bosish  
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirish shart.  
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiz  
qilinmaydi va maullifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javohgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy  
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-  
53-16, fan, oliy va o'rta maхsus, kasb-hunar ta'limi  
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,  
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-  
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari  
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport  
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing  
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA,  
Lilya BINASHEVA,  
Navbatchi muharrir:  
Belzod FAZLIDDINOV.  
Navbatchi: Sherall NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon»  
ko'chasi, 41-uy

ЎЗА ахуни — 20.40  
Topshirildi — 21.15